

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

95

**Кишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида
банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбат-
лантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ ҳамда қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, болалар спорти объектларида болалар ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш учун аёллар орасидан юқори малакали, профессионал тайёрланган устоз кадрларни кенг жалб этиш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ва болалар — ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз микдорда устама ҳақ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда спорт устозлари бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда қўшиб бериладиган устама ҳақ белгиланиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг «Таълим» бўлими бўйича тасдиқланган харажатлар доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ва уларнинг ҳудудий органлари бир ой муддатда қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ва болалар — ўсмирлар спорт мактабларининг штат жадваллари ҳамда харажатлар сметаларини мазкур қарор талаблари билан мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласинлар.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 1 апрель,
ПҚ-1315-сон